



Халқ Сўзи



15 МАРТ

№ 57-58
(1574-1575)

ШАНБА

1997 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

НАВРЎЗ ҚАНОТИДА БАҲОР НАФАСИ

*Санъаткорнинг аёли-ю,
санъаткорнинг онаси*

11-бет.

**ЧОРТОҚЛИК ЎЖАР
ФЕРМЕР**

3-бет.

**БАЙРАМ ЯНГИ
СТАДИОНЛАРДА
НИШОНЛАНДИ**

13-бет.



14 март куни Вазирлар Маҳкамасида Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни республика Президенти Ислон Каримов бошқарди. Мажлисида тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, уюшмалар ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Наврўз кейинги йилларда мамлакатимиз пойтахти Тошкент ва республикамизнинг барча шаҳар-қишлоқларида тантанали нишонланадиган бетакрор байрамга, қутлуғ анъанага айданиб қолди, деди Президент. Таъбир жоиз бўлса, бу Шарқ халқларининг, хусусан, ўзбек миллатининг нуфузли тарихий қадриятларидан биридир. Зеро, биз Наврўз боис баҳор нафасини, яшариш, янгиланиш завқини туямиз. Бунинг ўзига хос теран рамзий маъноси бор. Чунки инсон табиат билан уйғун ҳолда яшайди. Шу маънода, Наврўз инсон ҳаётининг гўзал фаслидир.

Шўро замонида байрамлар кўп эди, ҳозир ҳам кам эмас. Лекин Наврўзнинг ўзига хос, бошқа байрамларга ўхшамайдиган жиҳати шундаки, у ҳар қандай мафкурадан, сиёсатдан ҳоли умумхалқ байрамидир. Шундай экан, байрамга тайёргарлик ҳам унинг ана шу табиатига мос бўлмоғи керак. Токи биз байрам тантаналарида одамлар юракда бор туйғуларини юзага чиқаришларига, интилишларини ифодалашларига, орзу-умидларини намойиш эта олишларига имконият яратиб берайлик. Байрам халқимиз руҳини кўтаришга хизмат қилсин, дея таъкидлади Ислон Каримов.

Наврўзда одамлар кайфияти ўзгача бўлади. Инсон руҳиятида қишдан чиқиб олдик, энди янги ҳаёт, меҳнат ва тўй оналари бошланади, деган туйғу яшайди. Кўкатларнинг пайдо бўлиши ҳам, сумалак ҳам омонлик ва тўқинлик белгисидир. Наврўз табиат учун ҳам, инсон учун ҳам янгиланиш фаслидир.

Ислон Каримов байрамга тайёргарлик ишларининг бориши билан қизиқар экан, халқимизда байрам арафасида ҳовли-жойларни, кўча ва маҳаллаларни обдон тозалаш, шаҳару қишлоқларимизга ўзгача файз бағишлаш одати борлигини қайд этди. Фақат бу борада фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, туман ва шаҳар ҳокимлари бош-қош бўлиши, ҳашарга чиққанларга техника воситалари билан ёрдам беришлари лозим. Бу ишга қурилиш ва бошқа ташкилотларни ҳам жалб этиш керак.

(Давоми 2-бетда).


12-бет

**«ОЛТИН ХУМО»
МЕҲМОНЛАРНИ
ТОШКЕНТГА ЧОРЛАЙДИ**

6-бет

**ПОРА — ШИРИН,
ЖАЗОСИ — АЧЧИҚ**

НАВРЎЗ ҚАНОТИДА БАҲОР НАФАСИ



(Давоми. Боши 1-бетда).
Эҳтиёжманд оилаларга, ёлғиз қарияларга, ногиронларга ёрдам кўрсатиш, беморларни йўқлаш ҳам халқимизнинг азалий удуми. Ана шу ишни зиммасига олган вазирликлар, ташкилотлар ёрдам беминнат, айна пайтда сезиларли бўлишига аҳамият беришлари даркор. Меҳрибонлик уйлари, ногиронлар даволаниш масканларида ҳам байрам руҳи ҳукм қўлишига эришмоғимиз керак.

Ижодкорлар -- ёзувчи ва рассомлар, кино ва телевидение ходимлари, журналистлар байрамимиз моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшлар онгига теран синдиришлари лозим. Токи сурат ва тасмаларда, газета-журналларда одамларнинг бутунги ҳаётга муносабати, дилидаги ризолик туйғулари, мамнун чеҳралари муҳрланиб қолсин. Чунки бизнинг бутунги турмушимиз, байрамларимиз билан бутун дунё қизиқмоқда. Қолаверса,

бу лавҳалар келгуси авлодларнинг мулкига айланади. Байрам шиорлари, биноларнинг безаклари, уларда фойдаланиладиган ранглар ҳам, ижро этиладиган куй ва кўшиқлар ҳам халқимиз руҳига мос бўлишига аҳамият бериш керак.

Мажлисида Тошкент шаҳар ҳоқими К. Тўлаганов, Ўзбекистон халқ шоири Э. Воҳидов, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Ш. Темуров, «Ўзбекнаво»

гастрол-концерт бирлашмаси бош директори А. Назаров, Алишер Навоий номидаги миллий боғда ўтадиган байрам тантанаси бош режиссёри Р. Ҳамидов кўрилган масала юзасидан ахборот бердилар ва ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Байрам муносабати билан миллий боғда янги саҳна бунёд этилди. Меҳмонлар учун 3200 жой ҳозирланди. Байрам кунлари пойтахтимизнинг Сайлгоҳ кўчасида, Амир Темур ва

Мирзо Улуғбек хиёбони, Халқлар дўстлиги саройи ҳамда Алишер Навоий номидаги театр майдонларида ҳам кун бўйи шодиёналар давом этади. Сумалак ва ҳалим тарқатилади. Вилоятларнинг савдо кўрғазмалари ишлаб туради.

Президент бу борадаги ишларни ниҳоясига етказиш, мавжуд муаммоларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларига аниқ тавсиялар берди.

Мажлисида Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий кўмита раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Ҳ. Раҳматов, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, Д. Ғудомова, В. Чжен, К. Раҳимов қатнашди.

(ЎЗА).

СУРАТЛАРДА: йўғилиш пайти.

А. ТЎРАЕВ
олган суратлар.

ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИДА

14 март куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур комиссия аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар пул-кредит сиёсати комиссияларининг раҳбарлари ҳамда республика тижорат банкларининг раислари иштирок этди. Мажлисни республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг раиси -- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов бошқарди.

Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 6 январдаги 3-сонли қарори, ҳамда Президентимизнинг дебиторлик-кредиторлик қарзларини камайтириш ва ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлашга доир фармонлари ҳудудларда қандай бажарилаётганлиги ва бошқа бир нечта муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисида республика пул-кредит сиёсати комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 6 январдаги 3-сонли қарорини бажариш борасида минтақаларда тегишли тадбирлар амалга оширилаётганлиги ва бунинг натижасида белгиланган касса режаси республика миқёсида ошириб бажарилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Жорий йилнинг февраль ойида нақд пул эмиссиясининг амалдаги даражаси белгиланган кўрсаткичга нисбатан 5,1 фоизга камайди, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда эмиссиянинг белгиланган даражасига риоя қилинди. Тошкент шаҳрида эса мазкур кўрсаткич бажарилмади.

Шунингдек, мажлисида жойларда ҳукуматнинг мазкур қарорини ижро этиш борасида ўз вақтида зарурий чора-тадбирлар кўрилаётганлиги қайд этилди.

Натижада, ҳисобот даврида Андижон вилояти ва Тошкент шаҳридан ташқари барча ҳудудларда касса режаси бажарилди. Ўз навбатида мамлакатимиздаги 196 та шаҳар ва тумандан 162 тасида умумий тушум суммаси бўйича касса режаси удаланди.

Жорий йилнинг февраль ойида республикамизнинг 158 та шаҳар ва туманида эмиссиянинг белгиланган режаси бажарилди. 1997 йилнинг январь ойида эса бу кўрсаткич

мамлакатимизнинг 139 та шаҳар ва туманида удаланган эди.

Мажлисида Андижон вилояти ва Тошкент шаҳар пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг эътибори ҳисобот даврида мазкур ҳудудларда касса режаси бажарилмаганлигига қаратилди ҳамда ушбу кўрсаткичнинг жорий йилнинг март ойида бажариш учун барча зарурий чора-тадбирларни кўриш ҳақида тегишли кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида касса режаси кўрсаткичлари ва нақд пул эмиссиясининг белгиланган даражасини бажарган ҳудудлар раҳбарлари моддий рағбатлантирилди ҳамда мазкур кўрсаткичларни удаламаган ҳудудлар раҳбар-ҳодимларининг шахсий жавобгарлиги масаласи кўриб чиқилди, уларга нисбатан маъмурий чоралар белгиланди.

Мажлисида дебиторлик-кредиторлик қарзларини камайтириш масаласи чуқур муҳокама қилинди. Хусусан, айрим ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссиялари ва тижорат банкларининг дебиторлик-кредиторлик қарзлари юзага келиши сабабларини етарлича таҳлил қилмаётганлиги қайд этилди. Баъзи корхоналарнинг молиявий аҳволлари қониқарсиз бўлиб, уларда катта миқдордаги айланма маблағлар дебиторлик қарзларига жалб қилинган. Бу эса ишчи-хизматчиларга иш ҳақларини тўлашда асоссиз узилишларга сабаб бўлмоқда. Аҳвол шундай бўлган бир пайтда пул-кредит сиёсати комиссиялари, молия, банк ва солиқ идоралари томонидан дебиторлик-кредиторлик қарзларини камайтириш борасида таъсирчан чора-тадбирлар кўрилмапти. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида дебиторлик-кредиторлик қарзлари ҳамон катта суммаларни ташкил қилмоқда.

Мажлисида ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссиялари ва тижорат банклари зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 1995 йил 12 майдаги ҳамда «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 24 январдаги Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларини бажариш борасида мунтазам равишда зарурий чора-тадбирлар кўриб бориш вазифаси юклатилди.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки шуни маълум қиладики, 1997 йил 17 мартдан бошлаб республика банк тизимида Марказий банк томонидан «Артур Андерсен» консалтинг фирмаси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган ва халқаро андозаларга мувофиқ келадиган, шунингдек, Халқаро валюта фонди ҳамда Жаҳон банки мутахассислари томонидан маъқулланган бухгалтерия ҳисобининг янги ҳисоб-китоблар режаси жорий этилди.

Марказий банк матбуот хизматидан маълум қилишларича, бир вақтнинг ўзида банклараро ҳар соатда ўтадиган электрон тўловлар ҳамда ҳисоб ва ҳисобот олиб боришни таъминловчи икки дастур мажмуаси ҳам жорий этилади.

Шу муносабат билан 17 ва 18 март кунлари тўловларнинг ўз вақтида ўтишида айрим кечикишлар бўлиши мумкин, бунинг учун Марказий банк олдиндан узр сўрайди.

(ЎЗА).

• РАИС КИМ ТАРАФИДА?

ЧОРТОҚЛИК ЎЖАР ФЕРМЕР

Ўтган йилнинг кеч кузи эди. Юсуфжон фермер минг машаққат билан етиштирган сабзисини йиғиштиришга киришди. Хар куни бола-чақаси билан эрта тонгдан то оқшом қоронғусигача ишларди. Шундай кунларнинг бирида тонг саҳарда далага келди-ю, «дод» деб юборди.

Не кўз билан кўрсинки, бир гектарга яқин майдондаги энди-гина ярми йиғиштирилиб олинган сабзисини бир уюр йилқи пайхон қилиб юрарди. У 24 бош отнинг ҳаммасини молхонасига қамаб, эгасини кутди. Кейин билса, у ўзи ишлаётган «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раисининг укаси М. Саламатов экан.

Фермер тўғри раиснинг олдида борди. Лекин у пинак бузмай: «Укам зарарини тўлайди, отларини бериб юбор», деди. Юсуфжон раис ва унинг укасидан яхшилик чиқмаслигини билиб, туман прокуратурасига мурожаат қилди. Ариза юзасидан икки марта текшириш ўтказилди. Дастлабкида зарар 112 минг сўм баҳоланди. Лекин иккинчисидан 46 минг сўмга

тушиб қолди. Ҳайриятки, прокуратура учинчи марта текшириш ўтказмади.

Иложсиз қолган фермер юқори идораларга мурожаат қилишга жазм этди. Лекин пешона тери билан етиштирган ҳосили оёқ ости бўлгани етмаганидай, энди унинг учун адолат излаб идорама-идора юриш, сарсонгарчилик бошланди. Ҳолбуки, туман ҳокимлиги ва ҳуқуқ-тартибот идоралари республика Президентининг «Қишлоқ хўжалик экинлари пайхон қилинишига қарши курашни кучайтиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги фармонининг бажарилишини таъминлашлари лозим эди. Афсуски, улар бунга панжа орасидан қарашди. Оқибатда фермер келтирилган

зарарни ҳанузгача ундириб ололмади...

Чортоқ туманидаги «Богбон» фермер хўжалиги бошлиғи Юсуфжон Солиқовнинг уч йил давомида кўрган-кечирганлари бир қарашда худди чўпчакка ўхшайди. У фермер хўжалигида ажойиб мевали бог яратиш умидида ишга киришганди. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раҳбарлари «марҳамат, сизга оқ йўл» дейишди-да, сув чиқмай-диган, қақраб ётган адирликнинг энг тепасидан ер ажратиб беришди. Шундай бўлса ҳам Юсуфжон энг шимариб астойдил иш бошлади. Адирга электр сими тортиб, насос билан сув чиқаришга бел боғлади. Симёғочлар ўрнатилиб, электр сими ҳам тортиди. Лекин уни электр тармоғига улашга келганда сансалорлик бошланди. Фермер жамоа хўжалиги билан нурчилар идорасига қатнайвериб, оёғидан тўзиди. Орадан кунлар, ойлар ўтса ҳам бирор натижа чиқара олмади. Охир-оқибат 9 та симёғоч ва электр симларини «кимлардир» бир кечада кесиб ва узиб, яроқсиз

ҳолга келтирди. Фермернинг туман ички ишлар бўлими участка нозири ва жамоа хўжалигига қилган арзларига қулоқ соладиган одам бўлмади. Айбдор ҳанузгача топилмади. Адирликда бог-роғлар бунёд этиш мақсадида экилган мевали ва манзарали дарахтлар сувсизликдан қуриб битди.

Шундан кейин ҳам Юсуфжоннинг кўнгли фермерликдан совимади. Минг оворагарчиликдан сўнг адирликдаги ерни суғориладиган 15 гектар майдонга айлантиришга эришди ва яна бола-чақасини ёнига олиб меҳнат қилишга киришди. Эрта баҳордан кўчат экишни бошлаган ҳам эдики, раис чақириб, ишни тўхтатиб туришини буюрди. Фермер бир неча бор туман ҳокимлигига қатнаб, охири ишни давом эттиришга рухсат олди. Афсуски, бу пайтга келиб кўчат экиш мавсуми ўтиб кетганди.

Ниҳоят, фермер 1996 йил эрта баҳордан кўчат ўтқазиб, оралигида деҳқончилик қилишга киришди. Бироқ шундан кейин ҳам янги-янги тўсиқларга дуч келаверди. Раис яна тўннини тескари кийиб олганлиги сабабли хўжалик мироби фермерни сувдан қисса, бош механик ерга айна ишлов бериладиган пайтда техника ажратишни пайсалга солди. Юсуфжон тишини тишига қўйиб, бу қийинчиликларнинг ҳаммасини енгди. Кузга келиб кўчатлари амал олди, оралигида мўл ҳосил етиштирди. Ёз бўйи тунни-тун, кунни-кун демай қилган меҳнатларининг роҳатини энди кўрай деганда, юқорида таъкидлаганимиздек, раиснинг укаси отларини экинзорга қўйиб юборди.

Фермерга нисбатан бундай адолатсизликдан ёқа ушлайсан киши. Оддий бир заҳматқаш инсонга шунча таҳқирлар, тўсиқлар, қийинчиликлар қўпик қилмасмикан, деган фикр беихтиёр хаёлингдан ўтади. Жамоа хўжалиги раҳбарларининг найрангларига, фермерга нисбатан адолатсизликларга туман ҳокимлиги томошабин бўлиб турганини ва ҳуқуқ-тартибот ходимларининг ўз бурчига масъулиятсизлигини қандай мезон билан ўлчаш мумкин? Шу боис ҳам нафақат «Ўзбекистон», балки туманнинг бошқа хўжаликларига ҳам кўплаб деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил бўлаётгани-ю, аммо оёққа турмай, тугаб кетмоқда. Ҳа, фермерларнинг ҳаммаси ҳам Юсуфжон каби тегирмондан бутун чиқавермапти.

Мен Юсуфжонга шунча сабрбардошни қаердан олгансиз, дея ҳазиллашган бўлдим.

— Богбонлик менга ота касб, — дейди у ҳам мийиғида кулиб. — Шу касбни ардоқлашга аҳд қилганим ва ерга бўлган меҳрименга ҳамиша куч-қувват бағишлаб туради. Фермер хўжалиги ташкил этганимдан буён жамоа хўжалиги раҳбарлари «Юсуф синди, энди оёққа туролмайди», деб бир неча марта овоза қилишди. Лекин улар чучварани хом санашди. Ҳар қанча қаршилик қилишмасин биз, фермерларни синдирилмайдилар, барибир ён беришга мажбур бўлишди. Негаки, бизнинг фаолиятимизни ҳукумат, республика Президентини қўллаб-қувватлапти.

Юсуфжон Солиқов юрагидаги гапни деҳқонча қилиб айти-қўйди. Чиндан ҳам бу қийинчиликларнинг ҳаммаси ўткинчи, улар албатта, барҳам топади. Истардикки, ана шу жараён узоқ чўзилмас. Уйлаймизки, вилоят ҳокимлиги Чортоқ туманида рўй бераётган бундай ўзбошимчалик ва таҳқирлашларга чек қўяди. Ва биз мавзуга қайтиб, қўрилган чоратadbирлар ҳақида батафсил тўхталишимиз.

Абдуҳошим МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАНЛОВДАН ЎТГАНЛАР ЎҚИЙДИ

Қишлоқ хўжалигида ҳуқуқий-шартномавий муносабатларни бугунги кун талаблари даражасида биладиган мутахассислар етарли эмас. Бухорода ана шу муаммони ҳал этиш йўлида муҳим қадам қўйилди. Вилоят тижорат коллежи ҳузуридаги бозор иқтисодиёти, менжмент ва тадбиркорлик минтақавий марказида ҳуқуқий-шартномавий муносабатларни ўрганиш бўйича 3 ойлик махсус ўқув курслари ташкил этилди.

Хўжалик ҳисобидаги бу курсларда 90 киши ўқиб, турли мулк шаклидаги қишлоқ хўжалик қорхоналарида шу мутахассислик бўйича ишлайди.

Тингловчилар учун дарс ва амалий машғулотларни коллеж ўқитувчилари, вилоят адлия бошқармаси, хўжалик суди ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг юқори малакали мутахассислари ўтадилар. Курс тингловчилари ўқиш даврида коллежнинг барча қулайликларга эга ётоқхонасида яшайдилар.

Ўқиш истагини билдираётганлар кўпчилик. Шу боис хўжаликларда бухгалтер-ҳисобчи ва юрист-маслаҳатчи вазифасида ишлаётганлар ўртасида ўзига хос танлов ўтказилиб, уларнинг энг муносиблари ўқишга қабул қилинмоқда.

Манион ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.



• ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН...

Фойдадан зиёни кўп

Мусича уясидаги тухумини ўзи тушириб юбориб, лолу хайрон қолаверар экан. Бўз туманидаги айрим раҳбарлар, мутахассисларнинг ҳатти-ҳаракатлари шу ночор қушнинг ҳолатини эслатади.

Нўноқлик, масъулиятсизлик доимо панд бериб келган. «Гулистон» жамоа хўжалиги раиси Ҳабибулло Бегматов билан агроном Фуломжон Иброҳимов бир гектар ерга қанча уруғлик сарфлашини мутлақо билишмайди, десак эҳтимол, хато қилармиз. Лекин ўтган йили улар бор-йўғи бир гектар ерга картошка экишиб, аввало мўлжалдагидан уч баробар кам уруғ ташлашди. Кейин парваришни ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйишди. Шу боис ҳосил яхши бўлмади, таннарх эса қимматлашиб кетди. Ери, суви бир бўлган, ёнма-ён жойлашган «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида гектаридан 221 центнердан ҳосил олингани ҳолда «Гулистон»да бор-йўғи 71 центнер бўлди. Рентабеллик картошқачилик билан шуғулланган деҳқон-фермер хўжаликларига 24,6 фоизга етган бўлса, бу хўжаликда 3,6 фоизга тушиб қолди. Бошқача қилиб айтганда, бир гектардан атиги 1.900 сўм даромад олинди.

Ю. Шодмонов номли жамоа хўжалигида 12 гектар ерга картошка экилди. Уруғ қийматининг ўзи 1.520 минг сўмга тўғри келди. Афсуски, икки гектар ердаги уруғ униб чиқмади. Килоси 38 сўмдан келтирилган картошқанин олти

• Голландиянинг картошқасини килолаб экиб, ботмонлаб йиғиштирсак керак, деб ўйлованк.

• Уруғликнинг килосини 38 сўмдан сотиб олганлик-а!

• Йил-ён икки ой ишлаб, чапак чапиб қолаверамизми?

минг килоси исроф бўлди. Қолган майдондан эса 100,5 тонна ҳосил олинди. Умуман, бир центнер картошқанин ўртача баҳоси 1.792 сўмданга тушди. Хўжалик раҳбарларининг фатвоси билан 38,4 тонна картошқанин ҳар килоси ўн сўмдан сотиб юборилди.

Хўжаликдаги бундай самарасизлик сабабини сўрасангиз, мансабдорлар аҳвол огирлиги, маблағ етишмаслиги, техника, ўғит, ёнилғи ва бошқа воситалар нархининг ошиб кетганлигини рўқач қилишаверади. Бу — баҳона холос. Вилоятдаги ўнлаб хўжаликлар тажрибаси кўрсатаётганидек, гап яна ишбилармонликка бориб тақалади. Ишбилармонлик эса, шубҳасиз, чуқур билим ва малака талаб этади. М. Жалолов номли ширкатлар

уюшмасидаги аҳвол яна ҳам ташвишли. Хўжаликда 26 гектар ерга уруғ ташланган бўлса-да, уч гектаридан мутлақо ҳосил олинмади. 23 гектар майдондан бор-йўғи 100 центнерга етиб-етмай картошка йиғиштириб олинди. 230 тонна картошқанин 117 тоннаси аҳолига 8 сўм 37 тийиндан сотилди. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсақ, таннархига нисбатан тенг баробар арзонга пуллаб юборилди.

Ортиқча ҳаражатлар хўжалик гарданига оғир юк бўлиб тушаётгани етмагандай, баҳоли қудрат олинган ҳосилни сақлашда ҳам шунчалар совуққонлик билан «қай-гуришди»ки, оқибатда, 93,2 минг сўмлик картошка ишлатиш учун яроқсиз деб топилди.

Бўз тумани раҳбарлари, соҳа мутахассислари суғориладиган ерлар умри бекор ўтаётгани, деҳқонлар меҳнати ҳавога совуриляётгани, фойдадан кўра зиён кўпайиб кетаётганлиги билан қизиқмаётган кўринади. Акс ҳолда, улар туман бўйича картошка ҳосилдорлиги гектарига 100 центнерданга тушиб қолганидан жиддий ташвишланган бўлар эдилар.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• БИЗНИНГ ШАРҲ

Тинч ва осойишта кечаётган кунларингни қиёс этишга нисбат тополмайсан. Мустақил мамлакатимиз осмонининг нилий беғуборлигига тенг келадиган бойлик бу ёруғ оламда мавжуд эмас. Тўғри-да, агар «оловли нуқта»лардаги фожиалардан азият чекаётган халқларнинг азоб-уқубатларини кўз олдимишга келтирсак, тинчлик нақадар буюк неъмат эканлигини яққол хис этамиз.

Бугун Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир киши тинчлик ва осойишталик иқтисодий юксалишнинг, фаровонликнинг асосий шarti эканлигини янада теранроқ англамоқда. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тобора муносиб ўрин эгаллаётгани, халқаро минбарларда ўз овози ва ўз сўзига эга бўлаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Тинчлик ва ҳамкорлик йўли мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Шунинг ҳам айтиш керакки, республикамизда қабул қилинаётган бирорта қонун ёки ҳужжат қайси миллатга мансуб эканликлари, эътиқод ва маслақларидан қатъий назар, одам-

ТИНЧЛИК — ФАРОВОНЛИКНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

ларнинг фуқаролик ҳуқуқларини чекламайди. Ҳақиқатдан кўз юмиш имонсизлик бўлади. Ички сиёсат адолат ва оқилона тафаккурга таянсагина ташқи сиёсат унинг инъикоси сифатида жаҳон эътиборини тортади. Ўзбекистонимизда шундай бўлаётгани барчамизни қувонтиради. Ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,6 фоиз, sanoat ишлаб чиқариши 6 фоиз, истеъмол товарлари 8,1 фоиз, ташқи савдо обороти 1,4 баравар ўсди. Чет эл инвестициялари 825 миллион АҚШ долларидан ортди. Ушбу кўрсаткич аввалги йилгидан қарийб 2

баравар кўп демакдир. Хўш, тараққиёт шундай давом этиши учун яна нималар қилиш керак? Умуман, ҳар бир юрт фуқароси ўз она диёрининг гуллаб яшнаши таъминлаши учун яна нималарни истайди? Президентимиз БМТнинг 50 йиллиги муносабати билан Бош Ас-

шувит давом этмоқда. Бу вазият, бизнингча, умумжаҳон эътиборида бўлмоғи зурур. Зеро, халқаро ҳамжамият Босния ва Гаити каби «оловли нуқта»лардаги ўзaro иштилофларга эътибор бериб, мазкур минтақалардаги зиддиятларни бартараф этишга қобил эканлигини исботламоқда. Шу боис ҳам, Президентимиз мазкур зиддиятли вазиятнинг олдини олиш учун, энг аввало, у ердаги можароларни босқич-

НИМА, ҚАЕРДА,
ҚАЧОН?

АҚШ собиқ президенти Рональд Рейган ва унинг сардоқатли рафиқаси Нэнси хоним ўз тўйларининг 45 йиллигини нишонладилар. Юбилей кечаси Нэнси хоним унинг «Рейган» фамилияси остида кечган қисми ҳақида, шундай деди: «Бу 45 йил эмас, 45 дақиқага ўхшайди. Рональд билан танишганимга қадар ўтган даврда қандай яшаганман ёки у бўлмаганда қандай яшар эдим -- ҳозир булар тасаввуримга сиғмайди».

Навқирон йигитча Рональд билан ёшгина Нэнси «Метро Голдуин мейерс» студиясида танишганлар. У вақтда уларнинг иккиси ҳам ҳали ном чиқаришга улгурмаган оддий актёрлар эди.

Пеле номи билан машҳур бўлган бразилиялик футбол юлдузи Эдсон Арантис ду Насименту «Бразилия шаҳрининг фахрий фуқароси» унвонига лойиқ эмас экан. Ҳар ҳолда мазкур шаҳар кенгаши аъзоларининг катта қисми ана шундай фикрда. Уларнинг таъкидлашича, футболчи ва спорт ишлари вазири сифатида Пеленинг хизмати катта. Бироқ машҳур футболчи ўзининг ноқонуний туғилган қизи -- Сандра Режинани ҳали-ҳануз фарзанд сифатида тан олмаган. 32 ёшга кирган Сандра эса ҳақиқатан ҳам Пеленинг қизи, бунинг тиббий исботи ҳам бор.

Бразилия шаҳар кенгашининг йиғилишида яна бир «ғалати ҳодиса» рўй берди. Кенгаш аъзолари Пелега сазовор бўла олмаган унвонга Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арафотни лойиқ, деб топиди.

Лотин Америкасида ишлаб чиқариладиган телесериалларнинг кўпчилиги бизга яхши таниш. «Кичик қишлоқ, катта жаҳаннам», деб номланган фильм ана шундай сериалларнинг бири. Бу фильмнинг диққатга сазовор томони шуки, ундаги воқеалар фақат севги можаролари устида қурилган. Яна бир қизиқ томони эса яқинда «кашф этилди» сериалда бош қаҳрамон образини яратётган аргентиналик ёш кино юлдузи -- Хуан Солер фильмда нимани бошдан кечираётган бўлса, ҳаётда ҳам шунини кўра бошлади.

Хуаннинг айтишича, дастлаб у севгилиси билан тез-тез жанжаллашадиган одат чиқарган. Сўнг аҳвол шу даражага бориб етганки, Хуаннинг бемаъни жанжалларидан чарчаган қиз жомадонларини олган-у, кетиб қолган. Ҳозир унинг қаердалиги маълум эмас. Хуан аввалига қизни роса излаган, кейин бутун воқеалар айнан «Кичик қишлоқ, катта жаҳаннам»даги каби ривожланаётганини сезиб қолиб, севгилисини қидиришдан тўхтаган. Чунки фильмда қизнинг ўзи қайтиб келади ва сўнгида улар яна бахтли ҳаёт кечира бошлайдилар.



МОСКВА. Россия Федерацияси оммавий ахборот воситалари Исроил Бош вазири Биньямин Нетаняхунинг мамлакатга ташрифи якунларини кенг шарҳламоқда. «Российские вести» газетаси икки давлат алоқалари ҳақида ёзар экан, Россия-Исроил ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилганини таъкидлайди.

НЬЮ -- ЙОРК. БМТ Бош Ассамблеясининг 51-сессиясида Исроил ҳукума-



ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

тининг Шарқий Қуддусда яхудийлар учун янги турар жойлар қуриш режаси ҳоқама этилди. Унда қатнашган 36 давлат вакили Исроил ҳукуматининг ушбу ҳаракатини кескин қоралади.

Маълумки, ўтган ҳафта БМТнинг Хавфсизлик Кенгашида ҳам ушбу масала муҳокама қилинган, лекин Америка Қўшма Штатларининг қаршилиги туфайли тегишли резолюция қабул қилинмаган эди.

ТИРАНА. Албаниядаги сиёсий вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Хабарларга кўра, пойтахт яқинида шиддатли отишмалар эшитилиб турибди. Айрим маълумотларга қараганда, бир гуруҳ қуролли кишилар Тирана остонасида жойлашган

ҳукуматга қарашли ўқ-дори сақланадиган омборни эгаллаб олган.

ПЕКИН. ХХР ҳукумати фуқароларнинг паспорт режимига риоя қилишини текширишни кучайтирди. Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, ўтган ҳафта жума куни Пекиндаги марказий кўчаларнинг бирида кучли портлаш руй берган ва 10 киши ҳалок бўлган.

ЖАКАРТА. 13 март куни Филиппинда зилзила юз берди. Ер ости силкиниши Рихтер шкаласи бўйича 5,9 баллга етди. Соҳа мутахассисларининг маълум қилишича, зилзила маркази

самблеясининг тантанали йиғилишида сўзлаган нутқида мана шу тигиз муаммоларни ўртага ташлаб, уларнинг оқилона ечимларини ҳам баён қилиб берган. Минтақавий ҳавфсизликни бартараф этмай туриб, ялпи ҳавфсизликни бартараф этиш мумкин эмас. Юртбошимиз юксак минбардан мана шу ғояни илгари сурди. Бу билан амалда минтақавий ҳавфсизлик тамойили тақлиф этилди.

Сир эмас, бугунги кунда Марказий Осиёнинг келажаги кўп жиҳатдан Афғонистонда давом этаётган биродарқушлик урушига барҳам бериш, қўшни Тожикистондаги зиддиятларни изга солиш каби масалаларга боғлиқ. Афғонистонда давом этаётган уруш фақат минтақамизнигина эмас, балки бутун дунёнинг ҳавфсизлигига таҳдид солиб турибди. Айниқса, у ерда қурол-яроғ билан савдо қилиш айрим кишиларнинг тирикчилик воситасига айланмоқда. Энг ачинарлиси эса, ҳарбий sanoatга эга бўлмаган Афғонистонда бугун аҳолининг тенг ярмида, яъни 10 миллион кишида замонавий қуроллар мавжуд. Бунча қурол қаердан пайдо бўлмоқда? Жавоби аниқ, Афғонистонга ташқи кучлар арала-


ма-босқич бартараф қилиш, бу жараёнда БМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг иштирок этиши, қурол-яроғ етказиб беришни қатъий таъқиқлаб қўйиш зарурлигини бир неча бор таъкидлаган эди. Зотан, бунингсиз мамлакатдаги можарони ҳал этиш қийин кечади.

Энди, бундай урушларнинг қандай оқибатларга олиб келаётганлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, қуролли ҳаракатларнинг асосий қурбонлари тинч аҳоли эканлигини алоҳида таъкидламоқ лозим. Биргина Либерияда кейинги олти йил ичида уруш туфайли 150 минг киши ҳалок бўлди. Судандаги урушлар эса 1983 йилдан буён 1 миллион 300 минг инсоннинг ёстигини қуришти. Иккинчидан, уруш кечаётган мамлакатларнинг иқтисодий ётишдан чиқмоқда. Бунинг жабрини эса яна оддий халқ тортади.

Шуни унутмаслик керакки, тинч ва осойишта ҳаёт кечиринида ҳосият кўп. Тинчлик бор жойда меҳнат қилиш, олийжаноб режалар ишро қилиш энгил кечади. «Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади», дейди халқимиз. Мамлакатимизда тинчлик барқарор экан, демак, барака бўлаверади.

Сездингизми, юртимизга Наврўзи олам кириб келмоқда. Одамларимизнинг юз-кўзларида ҳам байрамона кайфият кўринаяпти. Бу юртимиздаги тинчликнинг тимсолидир.

Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Филиппин пойтахтидан 110 километр узоқликда бўлган. Сўнгги икки кун ичида Филиппин архипелагида иккинчи марта ер ости силкиниши рўй бермоқда.

ВАШИНГТОН. Оқ уй вакили Майкл Маккэрри АҚШ Президенти Билл Клинтон 17 март куни Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаковни қабул қилиши ҳақида хабар берди. Унинг таъкидлашича, Е. Примаков АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт ҳамда мудофаа вазири Уильям Коэн билан ҳам музокаралар ўтказди.

Е. Примаковнинг ташрифидан мақсад, яқинда Хель-

Бугунги кунда бангладешликлар тараққиёт йўлидан дадил олға бормоқда. Замонавий технологияларни жадаллик билан ўзлаштириб, фаровон келажакка замин яратмоқда. Мамлакат ҳукумати изчил суратда иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар ўтказаяпти. Бу эса ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келмоқда.
СУРАТЛАРДА: БХРдан лавҳалар.


синкида бўлиб ўтадиган Россия-Америка олий даражадаги учрашувида қўриладиган масалалар юзасидан фикр алмашишдир.

"НАВРЎЗ" АЙЁМИНГИЗ БИЛАН!

"Тошкентмебель"

ҳиссадорлик жамияти жамоаси

*бутун Ўзбекистон халқини баҳор айёми
билан қутлар экан, корхонамизда
тайёрланаётган бежирим маҳсулотлар
хонадонингизга доимо баҳорий кўркамлик
бахш этиб туришини тилаб қолади!*





• БИР ХАТ ИЗИДАН

70 тонна атрофида ҳосил йиғиштириб олганди. Туман хусусий деҳқон хўжаликлари уюшмаси томонидан гектар бошига 16 центнердан, жами 80 тонна пахта топширишимиз режалаштирилди. Натижа эса кутилганидан зиёда бўлди. Заводга 90 тонна хомашё топширдик.

Ҳисоб-китоб ишларини

бўлганда сизга ўшаганларга бермай, кимга берамиз», деб қуруқ қайтараверди. Ниҳоят, 1996 йилнинг 29 март куни ариза билан туман ҳокимига мурожаат қилдим. Ҳоким бова аризанинг бир четига «мушкулени осон қилинг», деб ёзиб берди. Бироқ бу ҳам Тоҳирга кор қилмади. «Оқсоқол, йўқ пулни қаердан топиб бераман»,

ганини, ҳар қадамда фермерлар йўлига гов бўлиб, уларнинг нонини «туя» қилаётганини кўпчилик билиб қўйсин, дедим.

Хатни ўқиб, ўйланиб қоласан киши. Нега бундай ҳол юз берди? Таъмагирликнинг сабаби нима? Суд қарори ва ҳукми юқоридаги саволларга ойдинлик киритади. Банк

Қосимовнинг пулини бир йўла бериб юборишининг ҳечам иложи йўқ эди», деб кўрсатма беради у.

Бунинг тўғри ёки нотўғри эканлигини шарҳлаб беришни сўраганимизда, туман банк бўлимининг янги бошқарувчиси М. Хусанов қўлимизга галати бир маълумотномани тутқазди. Унда ёзилишича, олдинги бошлиқ пора билан қўлга тушган куннинг эртасидан бошлабқоқ янги раҳбарият Тўйчи Қосимовга ўн бир кун ичида 67 минг сўмдан зиёд пулни бериб улгурибди. Бўлар экан-ку!

Аввалроқ шундай қилинганда юқоридаги ҳуноқ воқеа содир бўлмасмиди...

Тоҳир Пирназаров ҳозир пора олиш осон бўлса-да, жазоси аччиқлигини «татиб» кўрапти. Чунки вилоят суди ҳукми билан у ўн йилга озодликдан маҳрум этилди. Ҳукми республика Олий суди ҳам тасдиқлади. Бироқ «Ўзтадбиркорбанк» тизимида бундай ноҳўя ҳатти-ҳаракатларнинг бошқа такрорланмаслигига кафолат бормикин?

Ҳайитбой НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи»
мухбири.



ПОРА – ШИРИН, ЖАЗОСИ – АЧЧИҚ

Ёхуд фермер йўлига гов бўлган банк бошқарувчисининг аянчли қисмати ҳақида

Бироқ биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа судда ўз исботини топди.

Жабрланувчи -- ўн уч фарзанднинг отаси, оддий деҳқон Тўйчи Қосимов шундай ҳикоя қилади:

-- Оиламиз катта. Ўғил-қизлар, келин-куёвлар билан бамаслаҳат шахсий деҳқон хўжалиги ташкил этишга жазм қилдик. Жиззах чўлидаги «Тараққиёт» ижара-ширкатлар бирлашмасидан 50 гектар ер беришди. «Буюк Турон» номли мустақил деҳқон (фермер) хўжалиги тузиб, 1995 йил баҳорда иш бошладик. Жиззах пахта тозалаш заводи билан шартнома имзоланди. Давлатдан бир сўм қарз олмай ўз кучимиз, маблағимиз билан адиқ ерларга чигит экиб, пахта етиштирдик. Биздан аввал хўжалик шу майдондан

«Ўзтадбиркорбанк»нинг Зарбдор туман бўлимида амалга оширишимиз лозим эди. Йил охирига келиб, иш ҳақи ҳисобидан 75 минг сўм миқдорда маблағ тўплаганимиз бўлди. Шуни олиб, ерларни шудгорлаш, минерал ўғит ва рўзгорга у-бу нарса харид қилишни мўлжалладик. Банкка бўзчининг моксилик қатнадим, натижа йўқ. Вақт эса ўтиб борарди.

Банк бошқарувчиси Тоҳир Пирназаров ҳар гал «Эмиссия кучли, пул тушуми кам, бор

деб ишимни яна орқага сурди.

Шундан сўнг таваккал қилишдан ўзга чорам қолмади. «Шапка», яъни пул қистириб, ишини битириб юрганлар ҳақида кўп эшитгандим. Бошлиқ имо-ишорани тез тушунадиган одам экан. «Ўн минг олиб келсангиз, ҳисоб рақамингиздаги бор пулингизни бир йўла оласиз», дея илжайди.

-- Бўпти, -- дедим, -- фақат ўша 75 минг ҳисобидан бераман.

-- Насияга мушук офтобга чиқмайди, оқсоқол, -- деди у истехзо билан.

Ноилож рози бўлдим. Аммо хўрланганим, оддий ҳақ-ҳуқуқим поймол бўлгани алам қилди.

Вилоят ички ишлар бошқармасига бориб, ҳаммасини айтиб бердим. Бу 5 апрелда бўлган эди. Бузоқли сигиримни бозорга чиқариб сотиб, ўн минг тўпладим. Тоҳирбой билан 9 апрель, сешанба куни учрашишга келишгандик. Айтилган пайтда пулни элтиб бердим. Орган ходимлари уни жиноят устида қўлга олишди.

Бўлиб ўтган воқеани ёзмақчи эмасдим. Бироқ ора-мизда Пирназаровдек нусхалар ҳамон учраётди.

**БАРБОД
БЎЛГАН
«ИХТИРО»**



Шифокор Х. мўмай пул топишнинг ғайритабиий, аммо ҳийла осон йўлини «ихтиро» қилди. У фуқаро А.нинг укасига 2-гурух ногирони деган гувоҳномасини «тўғри-лаб» бериш эвазига ундан 7 минг сўм ундирмоқчи бўлди.


Афсуски, пулни санаётганда негадир бармоқларига титроқ кирди. Милиция ходимлари унинг «бойиш услуби», деб атаган ихтиросини шу тахлит йўққа чиқардилар.

бошлигининг ўз хизмат маъқадан фойдаланиб, мансабини суиистеъмол қилгани, мижозидан ўн минг сўм пора олгани тегишли ашёвий далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тўла тасдиғини топди. Бу тафсилотларни батафсил ёзиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Суд жараёнида Тоҳир Пирназаровнинг «пора олмаганман, менга тухмат қилишди», деган сўзлари ва келтирган важдари чўқаётган одамнинг хасга ёпишишига ўхшайди. Айбни мардона тан олиш осон, деб ўйлайсизми?

«Банкка бир ойда тахминан 30-40 минг сўм пул тушарди. Уни 160 дан ортиқ мижозга тақсимлашимиз керак. Тўйчи

КЎЧМА ЎҚ-ДОР «ОМБОР»И

Самарқанд темир йўл бекатида ўтказилаётган тезкор тадбир давомида «Душанбе-Москва» поездининг йўловчиси россиялик Смирнов гумонланиб ушланди. Меҳмоннинг юки кўздан кечирилганда 2 дона портловчи пакет, 2 дона тратил шашкаси, 1 дона сигнал берувчи шашка, 1 дона мина, 3 дона мина учун запал ҳамда 4 дона электродитанатор ва 9 метр бикфурд сими топилади.



БОЖЖОНА ХАБАРЛАРИ

Халқимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган моддий бойликларни кўз қорачигидек асраш ғоят шарафли ишдир. Республика божжоначилари бу борада қатъий сазо-ҳаракат кўрсатиб, истеъмол бозорини барқарорлаштиришга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Зеро солиқ ва бож тушумлари иқтисодий эҳтиёт мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутади. Умумхалқ мулкига кўз олайтириш ва бошқа қонунбузарлик ҳолатларга ўз вақтида чек қўйиш учун божжоначилар ҳамisha сергак, ҳушёр.

Суратларда: 1. Тошкент шаҳар божжона хизмати ходимлари иш пайтида. 2. Республика Давлат солиқ қўмитасининг бош божжона бошқармаси компьютер хонасида машғул ўтказилмоқда.

«ШАЙТОН» МАЛАЙЛАРИ

Яқинда Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний тумани судида беш кишидан иборат жиноий гуруҳнинг иши кўриб чиқилди. Тоғни урса талқон қиладиган бу «азамат»лар жамиятга фойдали иш билан шуғулланиш ўрнига ўғирлик, талончилик билан шуғулланиб келганлар. Гуруҳ раҳбари бўлмиш Ҳурматнинг афт-ангорини кўрган киши уни мусичаибозор деган ўйга боради. Аслида у тунлари йиртқич йўлбарсга айланишини кўпчилик билмаса керак. «Пистончи бойиб қолибди», «палончи жойда антиқа буюм бор», деган узунқулоқ гапларни эшитаркан, дарров ўлжани қўлга киритиш йўлини истаб, оёғи куйган товукдай типирчилаб қолади. «Шеф» нинг айтгани айтган, дегани деган эди. Жиноий гуруҳ аъзолари бир неча йил давомида фуқаролар ва давлат ташкилотлари раҳбарларини қўрқитиб, катта миқдордаги пул ва мол-мулкларни ўзлаштирганлар.


Жумладан, ўтган йилнинг дастлабки куни Абдалов исмли кимсанинг уйда фуқаро Жабборовдан 200 минг Россия рублини зўравонлик билан тортиб олишди. Бу камлик қилганидек, эртаси куни унинг «КамАЗ» автомашинасини ҳам ўзлаштирадилар. «Рекетчи» лар 1996 йилнинг март, апрель ойларида Қўшқўпир туманидаги механизациялашган кўчма колоннанинг маъсул ходимини қўрқитиш, кўзланган ниятларига эришишди. Корхонанинг 480 минг сўм пулини Урганч шаҳридаги «Йўлдош» хусусий корхонаси ҳисобига ўтказишга муваффақ бўлишди. У ердан жами 240 минг сўмлик видеотелевизор маноблокларини олиб, ўзаро бўлишадилар. Юқоридаги ўқиганларингиз хали ҳолва. Жиноий гуруҳ аъзолари 1995 йилнинг февраль ойида фуқаро Болтаевни қўрқитиб, унинг автомашинасини тортиб олишди. Сўнгра машинани қайтариб бериш эвазига 10 минг сўмни бўйнига қўйишди. Кўза кунда эмас, кунда синар экан. Худди шундай бўлди.

Беруний тумани суди қарори билан Х. Қодиров 20 йилга, А. Обидов, Қ. Қўшчонов 19 йилга, М. Рузимбетов 12 йилга, С. Бобожонов 10 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Агар ҳуқуқ-тартибот ходимлари ўз вақтида қатъий ҳаракат қилишмаганида, «шайтон» малайларининг ноҳўя ҳаракатлари янада газак олиши, хуфёна ишлари давом этиши, янги жиноятлар содир бўлиши эҳтимолдан холи эмас эди.

Қонун бу зўравонлардан зўрлик қилди.

**Рустам ТУРҒУНОВ,
ИИБ матбуот маркази
ходими.**

**КИНҒИР ИШНИНГ
КИЙИҒИ**



UZDUNROBITA
cellular



**Халқ
сўзи**

15
март

ҚАДРЛИ ВАТАНДОШЛАР

*"Ўздунробита" ҚҚ жамоаси
сизларни баҳор байрами – Наврўз
билан самимий табриклайди!
Биз келажакка катта умид билан
қараймиз ва унинг Ўзбекистон
халқига бахт-саодат ва фаровонлик
олиб келишига ишонамиз.*



• АСР ЮЗИНИ КЎРГАНЛАР

КЕКСАЙМОҚ НАСИБ ЭТИСИН ҲАР БИРИМИЗГА...

Ҳайратомуз манзара: Кумрихон она яқинда 107 ёшга тўлди. Онага роса бир аср йўлдошлик қилган тишлар ўрнига оқшоқдек майда тишлар қайта ўсиб чиқди. Оппоқ сочларини айтмайсизми? Улар ўрнида чақалоқларники сингари қоп-қора майин сочлар пайдо бўлди! Онахоннинг ҳассага тоқати йўқ -- бардам. Сут-қатиқ жони дили. Кўй гўштидан кўра мевани хуш кўради.

Ўғил ўстириб эл сафига қўшган ота -- бахтли. Қиз тарбиялаб гап-еўзга чалинғирмай тенгига узатган она -- бахтли. Кучоқларида бири-биридан ширин набираларга тўлиб, ўғил-қизларининг иқболини кўрганлар -- ундан-да бахтли. Йўлдошали ота билан Кумрихон онага ўша бахт насиб этганига ҳам ярим асрдан ошди. Икковлон Туланбой, Муҳаммаджон, Қизойим, Маърифатхон, Ҳамиджон, Зубайдахон,

Исоқжон, Маҳбубахон, Ҳалимахонларни тарбиялаб вояга етказдилар...

-- Кўзларингга кўзmunчоқ, буйларингга буй попуқ, болам, -- чойдан хўп-лаб кўзларини юмганча ўйга толди она. -- Шукур. Умримдан бор экан шу кунларга етиб келдим. Бир замонлар кўримсиз, қоронғи ҳужраларда яшаб кун кечирардик-а. Йўлларимизни айтгин, қоқиндик. Бирам хароб эди. Мустақилликка чиқдигу пешонамизга офтоб тегди. Бўлаётган ободончилиг-у, ўзгариларни қаранг.

Онахон олаговур йилларни хотирлади: инқилоб бўлди. Юртни келгиндилар босди. Ҳеч қанча ўтмай халқни боқиб, кийинтириб келаётган, орқасидан эргаштираётган топармон-тутармонлар, ўқимишли кишиларни қама-

қама бошланди. Кўплари совуқ юртларга бадарга қилинди. Эссиз одамлар-а. Юрт ўз қишлоғидан нарини кўролмаган чаласаводлар қўлида қолганди ўшанда.

Онахоннинг йиллар ўз «изи»ни қолдирган юзларидаги ажинлар янада қуюқлашгандай бўлди. Томирлари туртиб чиққан кўллари юзларига босиб, силади. Ҳаётининг жуда кўп пасту баландини, аччиқ-чучугини бошдан ўтказган оназорни эҳтиёткорлик билан яна саволга тутдик:

-- Сиз бир асрдан ортиқ ҳаёт кўрган табарруқ инсонсиз. Айтингчи, мўъжиза рўй бериб

яшариб қолгудай бўлсангиз қайси даврда яшашни истар эдингиз?

-- Вой болам тушмагур-эй. Умр ширин тушдай ўтди-кетди. Назаримда яшайдиган, кўрадиган замон энди келди. Лўғумбек қишлоғимизни бир қара, раҳматли Сайфиддин ўғли Шарофиддин раиснинг кўп меҳнати сингган. Лўғумбекни Лўғумбекдек қип кетди, бояқиш. Мирзакарим боғбонни айтгин. Қизлик маҳалимизда мол-қўй ҳайдаб юрган бийдай адирни олма-анорга, беҳи-ю нокка, шафтоли-ю анжирга тўлдириб ташлади, раҳматли Араббой

Абдуракул ўғли, Шаҳобиддин Абдуваҳоб ўғли сингари маллимлари бутун қишлоқ болаларини хатли-саводли қилишди.

Қишлоғимиз ободонлигини кўрдингми, болам? Тананг яйрайди. Оппоқ бинолар ичидаги ўқишхоналар,

хастахоналар, дўконлар, боғлар... эҳ-ҳе, санасам бармоқ букиб чарчайман. Туй-маъракаларимиз, издиҳомлардаги маъмуриликлар етти ухлаб тушимизгаям кирмаган.

-- Авлодингиздаги оилалар сони саксонга етибди...

-- Бўёғини сўрасанг, Худо берган невараларим етмишгадан ортиб кетган. Айб санамагин, кўпларини исмини эсимдан чиқариб қўяман. Чевараларим 110 чоғли бўлишибди. Ўнта дуварам, етти эварам бор. Қолганлари -- бегона.

Бошларига оппоқ рўмол ташлаб олган, Кумрихон она билан хайрлашар чоғимиз дуога қўл очдилар:

-- Худонинг раҳмати, барақати ёғилиб турган шу юрт Сизларники, болам, уни маҳкам тутинглар. Тинчлик, хотиржамлик энг катта бахт. Ўша бахт бир умр йўлдошларинг бўлсин.

Иймон-этиқодда собит турунлар. Меҳр-мурувватли, шарофатли бўлинглар, ўғил-қизларингизнинг роҳатини кўрунлар.

Кексайиб, қўлга асо тутмоқлик Худо ярлақан одамга насиб этади, қоқиндик. Ҳаммаларинг менинг ёшимга етинлар, омин!

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Навоий вилоятига йўлингиз тушса, эски ва янги шаҳар чегарасидаги кўхна қабристон ёнидан ҳам ўтишингиз мумкин. Дарвозасининг пештоқига «Инсон мангу яшайди» деб ёзиб қўйилган.

Ўйланиб қоласан киши: бу кимга берилган тасалли? Тобут кўтарган аздорларгами? Ёки бу дунё меҳмонлигига иймон келтириб кетаётган марҳумларгами? Инсон қаерда мангу яшайди ўзи? Бу саволга «қалбимизда», дея жавоб беришга ўрганиб қолганмиз. Бироқ, мард бўлсангиз тан олинг-чи, кекса қўшингизнинг бобосини бир йилда бир эслайсизми? Эҳтимол, кўрмаган ҳамдирсиз, исмини ҳам билмассиз. Лекин у экиб кетган дарахтнинг бир шохи сизнинг ҳовлингизга ўтган бўлса, соясида ўтириб, эканига раҳмат десангиз, ҳақсиз...

Инсон фоний дунёда эзгу ишлари

АБАДИЯТ ҲИЗОЛЛАРИ

билан мангу яшайди. Нуротада Шарифқозон деган учта қудуқ бор. Ношукур бўлмаган киши ундан сув ичса, Шариф исмли кишини эслайди. Уммонлар қаршисида қудуқ суви бир томчи бўлганидек, Шариф бобо умри мангулик қаршисида сониянинг миллиардлардан бир бўлаги. Бироқ ўша қудуқларнинг ёши бугун унинг умридани ошиб кетибди. Ёки Шомуродчорбоғ, Андизобод каби қишлоқлар ва ариқларни эсга олайлик. Шоир айтганидек, бу -- ўша кишиларнинг ўзларига қўйган қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкаллариридир.

Навоийда Ашур ота Нарзиев исмли фахрий бор. Ота Бухоро амирларининг Карманадаги Мирзагарбоғ истироҳатгоҳини қайта тиклаш ташаббуси билан чиқибди. Ўтмишда 3 гектар майдонни эгаллаган бу боғда нақшлар билан безатилган тўртта уй бўлган. Улар кейинчалик харобага айланиб, бор-йўғи биттаси тузукроқ сақланган. Боғни таъмирлаш учун республика «Ёлгорлик» жамғармасидан 700 минг сўм маблағ ажратилган. Хуллас, Ашур ота бу ишга бош-қош бўлишга аҳд қилибди.

-- Бош-қош бўлиб қўлимдан нимаям келарди, -- дейди ота. -- Тўғри, Мардон

Шамсиев (туман ҳокими) га бордим. Боғдаги тоғдек ахлат уюмларию қурилиш чиқиндиларини чиқариб, тозалашни бўйнингизга олсангиз, уни обод қиламан, дедим. Ҳоким мард келди. Хўжалик, корхона раҳбарларига топшириқ берди. Ҳаш-паш дегунча тозалаб ташлашди. Мен эса ўзимнинг «Ташаббус» кичик корхонам ҳисобидан сим тортириб, электр олиб келдим. Қудуқ қавлатиб, насос қуриб, сув чиқардик. 2 сўмдан 10 минг дона Калифорния тераги қаламчаси олиб, эрта кўкламда ўтказдик. Қовун-тарвуз, бошқа мева-сабзавот экдик. Ярим гектар ерни тоқзор қилдик. Шундан кейин бир кун катта ҳоким (вилоят ҳокими Ҳаёт Фафоров) келиб қолди. Ишимиздан кўнгли тўлди шекилли, ёнидагилардан бировига, «бу ергача асфальт торгасан», деди. Тортишди. У кишига хув анови қурилиш ҳақида гапириб бердим. Бундан ўн йиллар олдин шифохона учун пойдевор ташланганди. Кейинчалик ўзиёқ ташлаб қўйилганди. Шуни тиклаб, яхшилаб жиҳозласак, 30-40 фахрий учун яхши санаторий бўлади, десам, «маъқул, оқсоқол», деди. Облсобега топшириқ ҳам берди. У ердагилар чўзаверди, чўзаверди. Эй, бор-ей,

демоқчи бўлдим-у, меҳнатимга ичим ачиди...

Ашур отанинг ташаббуси билан бошланган эзгу ишлар бир-икки кунда ниҳоясига етмайди, албатта. Буни отанинг ўзиёқ билади. Бироқ бу кўриб, кўзни қувонтирадиган ишлар. Шу боис оқсоқол унинг тезроқ битиши илинжида.

Ашур ота боғдорчиликда катта тажрибага эга. Аслида қадимда халқимизда боғбонлик билан шуғулланмаган қария бўлмаган. Сабаби -- боғ ишлари кўп йиллик тажрибани талаб қилади. Иккинчидан, кекса боғбон кунт ва чидамлироқ келади. Ҳар бир ниҳол бошида парвона бўлади. Биладики, бу ниҳоллар узоқ туради.

Улардан янги ниҳоллар олинади. Хуллас, булар абадиёт ниҳоллари. Қарабсизки, бир куни кимнингдир номида чорбоғ пайдо бўлади. Уни ҳеч қаерга ёзиб қўйишмайди. Эл-улус шундай атайверади, ҳақиқа дуо қилаверади.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Яқинда Термиз шаҳри болалар санъат мактабида «Сизга армуғон...» номли мусиқали кеча ўтказилди. Унда Тошкент шаҳридаги санъат институтларида таҳсил олаётган шўрчилик талабалар ўзларининг куй-қўшиқларини намойиш этишди.

Олттариқ туманидаги Товулгон қишлоғида «Оила бахти -- эл бахти» мавзусида туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан уюштирилган тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар қишлоқ ҳаётига оид турли мавзуларда баҳслар юритдилар. Сўзга чиққанлар кишилар онгида маънавий баркамолликни юксалтириш истиқлол талаби эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Фотима ЖУМАЕВА.

Навоий шаҳрида «Камолот» ёшлар жамғармаси вилоят ва шаҳар бўлими ташаббуси билан «Истиқлол ва ёшлар» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди. Унда маҳаллий олий ва ўрта ўқув юртлари талабалари ўзаро беллашдилар. Миллий қадриятлар, урф-одатлар бўйича савол-жавоблар, сахна кўринишлари, санъатнинг турли жанрлари бўйича эркин ижрочилик каби шартлардан иборат ушбу танловда Навоий педагогика институти 5-курс талабаси Зебунисо Қўзиева ғолиб чиқди. Унга қимматбаҳо совғалар топширилди. Тадбир сўнггида жамғарма қошидаги «Камолот» вокал-чолғу ансамбли иштирокчилари ўз концерт дастурларини намойиш этдилар.

Садбархон ЖҲРАЕВА.

Ўзбекистон Республикаси давлат қисқа муддатли облигацияларининг 22001UMFS чиқарилишини жойлаштириш якунлари бўйича ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ РАСМИЙ ЭЪЛОНИ

22001UMFS сонли чиқарилишдаги давлат қисқа муддатли облигацияларини (1997 йил 12 мартда чиқарилган, қоплаш санаси -- 1997 йил 10 сентябрь -- муомалада бўлиш муддати 182 кун) жойлаштириш бўйича кимошди савдоси Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида шу йил 12 март куни бўлиб ўтди.

Кимошди савдосида 11 та дилер-банк қатнашди.

Облигацияларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эълон қилинган ҳажми -- 3300,0 млн. сўмни ташкил этди. Рақобатдош бўлмаган талабномалар рақобатдош талабномалар умумий ҳажмининг 20%гача миқдорда берилишига рухсат этилди.

Кимошди савдосига облигация номинал қийматининг 80,80%дан 86,98%гача бўлган баҳолар доирасида талабно-

малар берилди. Тушган рақобатдош ва рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг умумий ҳажми номинал ҳисобида 2181,788 млн. сўмни ташкил этди.

Қондирилган рақобатдош талабномаларнинг минимал баҳоси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарорига мувофиқ, облигация номинал қийматининг 86,55%ини ташкил этди. Қондирилган рақобатдош талабномаларнинг умумий ҳажми 877,405 млн. сўмни ташкил этди.

Кимошди савдосида қондирилган барча талабномаларнинг ўртача баҳоси облигация номинал қийматининг 86,98%ига тенг бўлди. Рақобатдош бўлмаган талабномалар ҳам худди шу баҳода қондирилди. Уларнинг умумий номинал ҳажми 181,903 млн. сўмга тенг бўлди.

Жами номинал ҳисобида 1059,308 млн. сўмлик облигация сотилди.

Кимошди савдоси натижалари бўйича облигацияларнинг даромадлилиги қуйидагича бўлди:


Кимошди савдоси якунлари бўйича даромадлилик (йиллик % ҳисобида)	Минимал баҳода	Ўртача олинган баҳода
	86,55%	86,98%
Оддий фоизлар услуги бўйича	31,17	30,02
Мураккаб фоизлар услуги бўйича	33,60	32,28

Халқ сўзи

9

15 март

РЕКЛАМА



88

Эркактлар бақувват бўлиши керак

СТАМИНА

Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

Олий иқтисодий маълумотга эга бўлган (Тошкент Халқ хўжалиги институтини, Тошкент давлат иқтисодиёт университетини, Тошкент Молия институтини, Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетини ва Тошкент давлат университетининг иқтисод факультетини тамомлаганлар), давлат тилини, мумкин қадар чет тилини яхши биладиган иқтисодчилар ва бухгалтерларни ишга таклиф қилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 6, 422 хона, телерон: 33-49-83.

аджанта фарма сўмтед

ТРИДЦАТЬ ПЛЮС

Бардам ва тетик бўлишингиз учун



АПКОСУЛ

гепатитдан ва сурункали ичкиликбозликдан жигар хасталанишидан сақлайдиган восита



Шаҳар дорихоналаридан сўранг

аджанта фарма сўмтед

АПИФЕН

мушак оғриқларини қолдирадиган ишончли, самарали восита.

Кунига уч маҳал 1-2 таблеткадан.

Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.

аджанта фарма сўмтед

Ҳар куни капсуласини қабул қилар экансиз, сиз ўз терингизни мусоффо қиласиз, гўзаллик ва майинлик бахш этасиз.

БЬЮТИ ПЛЮС

Сизнинг бардам ва гўзаллигингиз.

Шаҳар дорихоналаридан сўранг

аджанта фарма сўмтед

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1-клиник шифохонаси жамоаси шифохона бош бухгалтери И. Даминовга онаси Ойша ДАМИНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КОРХОНАЛАРИ ВА БОШ МУҲОСИБЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳридаги Йўловчи транспорт давлат уюшмаси қошидаги "Йўловчи-транссервис" бирлашган хўжалик ҳисобидаги марказ маъмурияти банк реквизитларимиз ўзгарганлигини маълум қилади ва 1997 йил 7 мартдан банк операциялари қуйидаги реквизитлар бўйича амалга оширилади:

"Йўловчитранссервис" БХХМ,
Тошкент ш., Т. Малик кўчаси, 3"А"-уй,
ҳисоб рақамимиз
20210000300415198001, банк коди
00832.

Ўзбекистон Республикаси Миллий ташқи иқтисодий фаолият банкнинг вилоят бўлимида.

Халқ
сўзи

15
март

10

UZMAL
OIL

НАВРЎЗИ АЙЁМ

билан самимий муборакбод
этишдан мамнунмиз.

*Баргача шоду хуррамлик,
хўш кайфият тилаб қоламиз!*

ЎЗБЕКИСТОН-МАЛАЙЗИЯ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ



КАМАЛАК-ТВ - ПЕЙЖИНГ

*Эфир—кабель телевидениеси
ва пейжинг алоқа*

КАМАЛАК-ТВ-Пейжинг

ўзбек—америка қўшма корхонаси

**МЕҲНАТСЕВАР ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ
БАҲОР БАЙРАМИ - НАВРЎЗ БИЛАН
ТАБРИКЛАШ ШАРАФИГА МУЯССАР
ЭКАНЛИГИДАН ҒОЯТ МАМНУНДИР!**

*Серқуёш ўлканинг барча эркин ва ҳур кишиларига энг эзгу
тилакларимизни йўлаймиз, сизларга сиҳат—саломатлик,
бахту иқбол ёр бўлсин. Ўзбекистон Республикасининг буюк
келажagini бунёд этиш, халқ фаровонлигини таъминлаш, шу
гўзал заминда яшовчи ҳар бир инсон манфаатларини рўёбга
чиқариш йўлидаги тарихий ислохотларни амалга оширишда
улкан муваффақиятлар тилаймиз.*

"КАМАЛАК—ТВ—Пейжинг" ҚК.

АБДУЛЛА
КОДИРИЙ
НОМИДАГИ
ДАВЛАТ
МУКОФОТИГА
НОМЗОДЛАР



ЗАМОЧАБОЯ, ПОМОШАБОЯ

мухлислар «Фотима ва Зухра»
спектаклига шундай таъриф беришарди

Кўпчилиكنинг назарида санъаткорлик касби фақатгина олқишлару тантаналардангина иборат туюлади. Аслида, ундай эмас. Уларнинг фаолияти ҳам машаққатли ижодий меҳнат билан лиммо-лим. Эл наздида машхур бўлиш учун бу соҳа вакиллари озмунча тер тўкишмайди. Бугунги суҳбатдошимиз Рустам Маъдиев ҳам муштарийларимизга яхши таниш. У киши сахнада кўп вақт эса қоларли роллар ижро этиш билан бирга томошабинлар меҳр-муҳаббатини қозонган «Девона», «Фотима ва Зухра», «Бу қандай бало», «Севги нидоси», «Окибат» каби қатор спектакллари сахналаштирган. Айни пайтда эса Муқимий номидаги мусикали театрда меҳнат қилапти. Яқинда у сахналаштирган «Фотима ва Зухра» спектакли эса Абдулла Кодирий номидаги Давлат мукофотига номзодликка тавсия этилди.

— Рустам ака, тўғриси, актёр одамнинг дабдурстдан режиссурага қўл уриши кишига бир қадар нотабиний туюлади. Узингиз бу ҳолни қандай изоҳлайсиз?

— Хўш, актёрдан режиссёр чиқадиган бўлса, бунинг нимаси ёмон? Ахир, бу икки касб сув билан олов эмас. Аксинча улар бир-бирини тўдиреди. Мабодо, қайси режиссёр эл ўртасида ном қозонган бўлса, демак, у яхши актёр ҳамдир. Сахналаштирган спектаклларидаги образларни ўзи ҳис қилиб, ўзи ижро эта олса, шунда яхши спектакль яратилади.

— Мен сахналаштираётган спектаклимни энг аввало ўзим кўз олдида келтириб, ўзим ижро этаман. Актёрларнинг ҳам фикрлари, маслаҳатларидан унумли фойдаланишга интиламан. Режиссурага қўл уришимнинг сабаби... Уша қолар театр оғир аҳволда, бу даргоҳда томошабинлар қадами тина бошлаганди. Бундай ҳол мени ҳеч тинч қўймади. Ниятим, унинг қаддини кўтариш, бир пайтлардаги шухратини тиклаш эди. Бунга оми-купми эришдим, деб ўйлайман.

— «Фотима ва Зухра» романини спектакль қилиш фикри сизда қандай туғилди?

— Бир кун келинбойиқиз, «Шарқ юлдузи» журналда Умас Умарбековнинг «Фотима ва Зухра» деган романи чоп этилпти. Одамлар жуда қизиқиб ўқишарди. Шундан бирон нарса тайёрласангиз бўлар экан», деб қолди. Уқиб чиққач, ўзимда ҳам шундай истак пайдо бўлди. Журнал таҳририятига келиб, асарнинг кўлемасини олдим ва ёзувчининг рафиқасидан сценарий ёзиш учун рухсат сўрадим. Асарнинг сахна варианты шу тарихда дунёга келди. Спектаклдаги шеърларни шоир Нормурод Нарзуллаев, мусикаларни эса бастакор Фарҳод Алимов ёзишган.

— Нима деб ўйлайсиз, театр ижодий жамоаси асарини

сахналаштириш билан ўз олдида қўйган мақсадига тўла эришганмикин?

— «Фотима ва Зухра» романи муштарийларимиз шарофати билан дунёга келган асарлардан биридир. Биз ҳам мусикали театр санъатида замон талабига жавоб бера оладиган мусикали драма яратиш учун бу ишга қўл урган эдик. Ҳаракатларимиз эсе кетмади. Спектаклларнинг томошабинни уйга толдирадиган жиҳатларидан бири шундаки, унда тирик инсонлар билан марҳумлар ўртасидаги рухий боғлиқлик борлиги Фотима билан Зухранинг таъдирдаги аянчли ҳолатларда ўз аксини топган. Очиги, ушбу спектакль Муқимий театрининг мавқеини тиклашда ҳам маълум маънода ўз ҳиссасини қўшди.

— Театрда сизни қийнаётган қандай муаммолар мавжуд?

— Биринчи навбатда моддий қийинчилик бизга кўп пайт беради. Мен баъзан спектакль учун ўзим хоҳлаганчилик кийимлар ва декорация қиломасангиздан хафа бўлиб кетаман. Агар эътибор берган бўлсангиз, ҳозирги декорациялар билан илгариларининг ўртасида анча-мунча фарқ бор...

— Муштарийларимизни овлангиз ҳам қизиқтириши, шубҳасиз...

— Келинбойиқиз Муҳтарамхон тиббиёт ходимаси, қизларимиз Гулрух ва Хуршида, ўғлимиз Шохрухлар мактабда ўқишади. Улар врач, ҳуқуқшунос ва иқтисодчи бўлишмоқчи. Аммо ҳар учаласида ҳам санъатга бўлган қизиқиш кучли. Мен уларга доимо, келажакда қайси соҳада ишламанг, санъаткорлик иккинчи касбларинг бўлиб қолсин, дейман.

Суҳбатдош: Мазлура НАБИЕВА.



Шоҳиста ая 78 ёшда. Юриш-туришлари тетик ва бардам. Гап-сўзлари жойида: талаффузу оҳаннинг кифтини келтиради. Мақол ва маталларга жуда уста. Ҳар икки гапининг бирида «шунчалик оз юргизиб, кўп кўргазганига шукр» деб кўяди. Бу аёл сабр-тоқатли бўлмаганида, шукр қилмаганида паҳлавондек икки нафар ўглининг бевақт ўлимига чидай олмасмиди, деган фикр хаёлимдан ўтади. Китоблар териб қўйилган рўпарадаги шкаф устида Ботир Зокировнинг катта қилиб ишланган портрети турибди. Ая ора-сира унга кўз ташлаб кўяди. «Кексалик ўз ишини қиларкан, юракда гайратим жўш уриб тургани билан кучим йўқ», деди у. Кун бўйи уйда ўтираман, телевизор кўраман. Ботирнинг портретига термулиб, 33 ёшда кетган Навфалимни ёдлайман. Ҳаёт юрган фарзандларимга Худодан умр тилайман. Орқамда қолиб, чироғимни ёқиб юришсин. Кўриб турганингиздек Жамшид билан бирга тураман. Келиним Гавхар, набираларим Жавоҳир билан Оҳиста доим кўнглимга қараб, оғзимга ёққан таомлар тайёрлаб беришади. Менга бундан ортиқ нима ҳам керак?! Уларнинг дуои жонларини қилиб ўтирибман».

Ха, кексайганда фарзандлар ардоғида бўлмоқнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Машаққат чекиб бола боққан ҳар бир ота-онага ана шундай кунлар насиб этсин. Умуман Шоҳиста ая ажойиб аёл. Суҳбатдошини асло зериктириб қўймайди.

-- Одам боласи кексайган сари ёшлигини кўмсайди, дейишади. Шу гап, ростми, ая?
-- Бўлмаса-чи, айланай. Ёшлик энг гўзал баҳордир. Мен оилада якка-ёлғиз -- ўн биринчи фарзанд эдим. Мендан аввалгилари

-- Карим акани рашк қилармидингиз?
-- Қизғанардим-у, лекин рашк қилишдан ўзимни мажбуран тиярдим. Рашкнинг оқибати яхшиликка олиб бормади, деган тушунча бор эди менда.

САНЪАТКОРНИНГ АЁЛИ-Ю,

икки ёшга стар-етмас нобуд бўлишаркан. Ўн нафар боласини тупроққа топшира-вериб юрак олдириб қўйган ота-онам туғилишимга яқин қолганда, туғилажак фарзандимизни умри билан берсин, деб Самарқанддаги Шоҳизинда мақбарасига зиёратга боришган. Зиёрат пайтида бирдан онамни тўлғоқ тутиб, мен туғилганман.

Буни қарангки, ота-онам менга умр тилайверибди-ю... икки ёшимда онамдан, уч ёшга стар-етмас отамдан айрилиб қолдим-ку. Меҳрибонларимдан кейин ҳар кимларнинг қўлида, кўчаларда қолиб кетдим. Ўша пайтларда кўчама-кўча юрувчи дарвешлар кўп бўларди. Уларнинг «Бугун байрамга ўхшайди, ота-онаси борлар йўл пойлайди, етимлар зор қақшайди» қабалида айтиб юрадиган ашуласи ҳали-ҳали қулогим остида жаранглаб тургандек. Кун бўйи оч-яланғоч ҳолда тентираб ким бир бурданон бераркан, деб ўтган-кетганинг кўзига мўлтираб боқардим. Зайнаб деган дугонаман мени уйига олиб кетди-ю, сарсон-саргардонлигимга чек қўйилди. Астойдил Худо деган эканман, ўшандай қийин кунлардан омон чиқдим.

-- Умр йўлдошингиз -- бетакор санъаткор Карим Зокиров билан қандай танишгансиз?

-- Ёшлигимдан ашула айттардим. Сўзлари ҳам кўпинча ўзимники бўларди. «Тановар»ни рақси билан ижро этардим. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» спектаклларида Ширин ва Лайли ролларида чиққанман. Янги очилган пайтда бир неча мuddат Муқимий театрида ҳам ишлаб юрдим. Карим ака билан Москвадаги студияда бирга ўқиганмиз, севишиб турмуш қурганмиз.

-- Артистнинг аёли бўлиш қийин эмасми?

-- Менимча, машхур актёрнинг ёстиқдоши бўлиш бахт. Эҳтимол бу фикрга келишимга умр йўлдошимнинг яхши одам бўлганлиги сабабдир. Оилавий масалаларда мен билан маслаҳатлашар ва фикрим албатта инobatга олинарди. Карим ака табиатан вазмин бўлиб, камдан-кам ҳоллардагина жаҳди чиқар, бировдан қаттиқ хафа бўлганда эса эшитилар-эшитилмас қилиб «ахмоқ» дейишдан нарига ўтмасди. Шунча йил бирга яшаб бирор марта сан-манга бормаганмиз. Буни эшитганлар бўлмаган гап, эр-хотин бўлади-ю, урушишмайди, деб ажабланишлари ҳам мумкин. Лекин биз бир-биримизни авайлаб ўтганмиз.

-- Санъатни ўз хоҳишингиз билан тарк этгансиз ёки бошқа сабаби ҳам борми?

-- Кетма-кет фарзанд кўрганлигим туфайли санъатдан вақтли чиқиб кетганман. Ўзим ота-онам меҳрига зор бўлиб, ҳар кимларнинг қўлида етим ўсганим учун болаларимни жондан ортиқ кўрардим. Шунинг учун бинойидек актриса бўлишимга кўзим етиб тургани ҳолда уйда қолдим. Дарвоқе, ўз истеъдодини фарзанди учун қурбон қилган оналар тўлиб-тошиб ётибди. Бу ҳақда мен болаларимга ёшлигида шундай деб алла айттардим:

Менга сизнинг тинчлигингиздан бошқа нарса керакмас.

Она зоти миннатлардан устун турар ҳар қачон.

Вақти келиб улғайганда фақатгина сизни деб.

Не-нелардан воз кечганим билсангиз бас, болажон.

Минг марта шукр. Фарзандларим эсли-хушли чиқишди,



САНЪАТКОРНИНГ ОНАСИ

доим атрофимда гирдикапалак. Ҳар ҳафтада бир йиғилиб келишади. Қолган кунлари кўнғироқ қилиб ҳол-аҳвол сўрайдилар. Биттагина қизим -- Луиза ҳозир Америкада даволяпти. У билан ҳам кунора хабарлашиб турамыз.

-- Кўнглингиздан актриса бўлолмай қолдим, деган армон бир бор бўлса-да, ўтганми?

-- Йўқ. Аксинча, фахр туйғуси кечган. Мен зўр актриса бўлганимда, балки, болаларим бу даражада санъаткор бўлолмай қолишлари мумкин эди. Чунки, биринчидан, камроқ фарзанд кўрардим, иккинчидан эса вақтимни кўпроқ ўзим учун сарфлардим. Бугун эса олти нафар фарзандим, келиним Гавхар ва қатор набираларим таниқли санъаткор. Эл-юртга хизмат қилишарди улар. Дунёда ота-онанинг энг бебаҳо бойлиги фарзанддир.

-- Сиз -- кўпни кўрган, иссиқ-совуқни бошдан кечирган, ҳаётнинг пасту-баландликларига чидаб яшаётган болажон ва фезли кенг бир аёл газетхонларга қандай истак билдирган бўлардингиз?

-- Бировнинг кийган кийимидан, тузаган дастурхонидан кулишга, орқасидан ёмонлашга одатланманг. Пулга эмас, меҳр-оқибатга суянсангиз хато қилмаган бўласиз. Ҳаётда чекин-гизга тушган шодликдан қувонсангиз ҳам қайғудан нолиманг. Чунки бу тақдир азал. Насибдан эса шоҳ ҳам, гадо ҳам чиқиб кетолмайди. Ҳамиша йўлингиз оқ, дилингиз пок бўлсин.

«Халқ сўзи» мухбири
Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

• XII ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ

Мустақиллик шарофати ила Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи кундан-кунга юксалиб бораёпти. Кейинги пайтларда пойтахтимизда турли-туман мавзуларга бағишланган халқаро йиғинлар кўплаб ўтказилганлиги ҳам ушбу фикримизнинг яққол мисолидир.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент -- том маънода, дўстлик, ҳамкорлик ва тинчлик шахрига айланган бораёпти. Айни пайтда пойтахтимиз яна бир улкан анжуманга ҳозирлик кўрмоқда. Шу йил 22--29 май кунлари бу ерда навбатдаги анъанавий XII Тошкент халқаро кинофестивали бўлиб ўтади. Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан буён иккинчи бор ўтказилаётган мазкур фестивалга ҳар қачонгидан ҳам айрича эътибор қаратилган. Хусусан, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қароридан унинг барча жиҳатлари аниқ-равшан белгилаб кўйилгандир. Бу борада «Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси шаҳар ҳокимияти ва қатор вазирликлар, идоралар билан ҳамкорликда кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда Тошкент кинофестивали Кинопродюсерлар ассоциациясининг халқаро федерацияси томони-

дан рўйхатга олинди. Ассоциация Президенти жаноб Брессон унда иштирок этиш ҳақидаги таклифни мамнунлик билан қабул қилганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Шунингдек, дунёда доврғи баланд бўлган Кани ҳамда Нант халқаро кинофестиваллари

сингари 28 та давлат кино усталари яратган фильмлар эса ахборот тарзида муҳлислар эътиборига ҳавола қилинади. БМТ, ЮНИСЕФ, ФИАПФ, ФИПРЕССИ, ЮНИАТЕК, ЮНИКА каби халқаро ташкилотлар вакиларининг ташриф буюриши эса унинг

«ОЛТИН ҲУМО»

раҳбарларининг ҳам иштирок этишлари мўлжалланаяпти. Умуман, Тошкент халқаро кинофестивалида 60 га яқин давлатлар ижодий жамоалари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюради. Улар орасида дунёга машҳур кинорежиссёрлар, продюсерлар ва актёрлар ҳам бор. Анжуман кўрик-танловида Хитой, Ҳиндистон, Малайзия, Корея, Туркия каби 25 та мамлакат вакиллари иштирок этиши режалаштирилган. Миср, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Япония, Мексика, Швеция, Германия, Чехия, Словакия

нуфузи янада ошишига хизмат қилиши, шуб-

МЕҲМОНЛАРНИ

ТОШКЕНТГА ЧОРЛАЙДИ

ҳасиз. Ўз-ўзидан аёнки, мамлакатимиз пойтахтида бўладиган мазкур анжуман жаҳон халқлари ўртасида дўстлик, биродорлик, ҳамкорлик ва тинчлик ғояларига хизмат қилади. Шу бонс фестивалда намоиш этиш учун биринчи навбатда сиёсий-ғоявий, бадиий ва маънавий жиҳатдан мустақиллик

мафқурасига зид келмайдиган, юксак инсоний туйғулар, умумбашарий қадриятларни ўзида ифода этадиган фильмлар намоиш этилади. Бу ерга йиғилган дунё кино санъаткорлари ўз асарларини намоиш этиш баробарида, бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган ҳамкасблари билан яқиндан танишишади, келажакда ўзаро ҳамкорликда фильмлар яратиш хусусида шартномалар тузадилар. Бунинг учун уларга барча имкониятлар яратиб берилади.

Анжуман тартибига кўра намоиш этилган фильмларнинг энг яхши деб топилган 14 таси сараланиб, ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади. Танлов дастури эса тўламетражли бадиий фильмлар, тўламетражли



зий маъно бор. Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан маънавият ва маърифат ривожига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу жумладан, санъаткорлар зиммасига ҳам умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиб, улардан ижодий фойдаланиш, шунинг баробарида дунё тараққиётига мислсиз ҳисса бўлиб кўшилган ўзимизнинг бой ва сермазмун миллий қадриятларимизни қайта тиклаш ва ривожлантириш вазифалари қўйилган.

Бундай улуғвор юмушларни амалга ошириш эса кино санъаткорларимиздан ҳам катта масъулият талаб этади.

Фестиваль доирасида бўлиб ўтадиган «Кино ва мустақиллик» мавзусидаги халқаро симпозиумда жаҳон кино санъаткорлари билан шу хусусда ўзаро фикр алмашилаб, уларнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш назарда тутилган. Зеро, дунё тажрибасидан баҳрамандлик ривожланиб бораётган мамлакатимиз учун барча соҳаларда, жумладан, кино тараққиётида ҳам ижодий натижалар бериши, шубҳасиз.

Фестиваль кунлари меҳмонлар мамлакатимиз пойтахтидаги янгилинишлар, ўзгаришлар билан яқиндан танишадилар, Самарқанддаги улуғвор тарихий обидаларни ўз кўзлари билан кўриш бахтига муяссар бўлишади.

Миллий ўзбек санъати тараққиётининг ёрқин тимсоларидан бири бўлмиш «Ўз-ДЭУавто» корхонаси фаолиятини кўздан кечиришади. Шу билан бирга, улар бизнинг ўзбекистон меҳмондўстлигимиздан баҳраманд бўлишиб, халқимизнинг юксак маданияти ва амалий санъати билан яқиндан танишадилар. Республикаимиздаги таниқли расмолар асарларининг кўрғазмалари, ижодий жамоалар, фольклор-этнографик ансамблларнинг чиқишлари ҳам меҳмонлар эътиборига ҳавола қилинади.

Умуман, XII Тошкент халқаро кинофестивалига пойтахтимизда жуда катта тайёргарлик кўрилмоқда. Ўтаётган ҳар бир кунимиз эса бизни орзиқиб қутилаётган ана шу анжуманга яқинлаштираётир.

Фахур ЭШМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ФИЛАТЕЛИЯ

КОИНОТ ВА ХАЁЛ



«Коинот ва ҳаёл» мавзусига бағишланган почта маркаси тўпламини «Ўзбекистон маркаси» наشريёт маркази тайёрлади ва уни Ўзбекистон Республикаси Лоқа вазирлиги почта муомаласига чиқарди.

Мазкур тўплам инсониятнинг азалий ордуси -- Коинотни ўрганиш ва ўзлаштиришга бағишланган. Коинот, яъни осмон қадим замонлардан бери инсоннинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб, унда оламда ўз ўрнини аниқлаш истагини уйғотган. Коинот ҳақидаги қадимий тушунчалар турли афсона ва ривоятларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Коинот ҳақидаги ҳозирги замон тушунчалари унинг амалда ўзлаштирила бориши билан узвий боғлиқдир. Шу бонс «Коинот ва ҳаёл» тўпламида космик кемаалар ва планеталараро станцияларнинг, айвонли планета юзасига қўйилган космик модулнинг ўзига хос тасвирлари берилган.

Почта блокетида планеталараро кемаларнинг ўзаро учрашуви тасвирланган.

Ушбу барча тасвирлар замонавий космонавтика тараққиётининг бирор муваффақиятига ёки вазиятига тааллуқли эмас, албатта. Булар

тошкентлик rassom В. Шумиловнинг ижодий ўйлари, ҳаёлотли, қоловерса, ҳозирги замон кишининг, бироқ худди минг йиллар муқаддам бўлгани каби ўз нигоҳини ялдузли осмондан уза олмаган инсоннинг ҳаёлотидир.

«Коинот ва ҳаёл» тўплами 7 та марка, 1 почта блокети ва конвертдан ташкил топган.

Почта блокетининг ҳошиясида ўзбек тилида «Коинот ва ҳаёл» деган ёзув берилган.

Коинотни ўзлаштириш мавзусига бағишланган почта маркалари тўплами Ўзбекистонда илк бор чиқарилмоқда. Шунингдек, мазкур маркалар тўплами 1997 йилда Ўзбекистонда чиқарилмайдиган почта маркаларининг дастлабки ҳисобланади. Биз ушбу маркалар тўплами филателистлар, айниқса, «Коинот» мавзуси билан шугулланувчи филателистлар учун ўзига хос тўхта бўлади, деб ишонамиз.

Филателистлар диққатига!

Коинотни ўзлаштиришга бағишланган кунлар арафасида Наشريёт маркази ажойиб тадбир ўтказишни режалаштирган: 1997 йил 17 мартда Тошкент шаҳридаги Главпочтамт биносида «Коинот ва ҳаёл» мавзусидаги маркаларни махсус почта тамғаси билан сотиш амалга оширилади.

С. ХАСАҶОВА.



Якин-якин йилларгача футбол эркаклар спорт тури саналарди. Айниқса, шарқ аёлларининг майдонга чиқиб тўп тепиши бизга эриш туоларди. Айни кунда эса аёллар футболни жаҳон миқёсида янгилик бўлмай қолди, хусусан, Осиё қитъасида ҳам.



БИРИНЧИ КАЛДИРҒОЧ

бизда 1995 йилда асос солинди. Жамоа ўзгани яна собиқ чим хоккейчи қизлар ҳамда ҳар хил спорт тури билан шуғулланган собиқ спортчилар ташкил этди.

Биринчи қалдирғоч жамоанинг илк учрашуви худди кечагидек эсимда. 1995 йили Қозғистоннинг «Динамо» жамоаси меҳмонимиз бўлди ва биз 7:0 ҳисобида мағлубиятга учрадик. Уша пайтда учрашувни кузатганимизда эди, майдонда гўё комедияли спектакль намойиш этиларди. Халиям, меҳмонларимиз бизни «сийлашди» Акс ҳолда... Йўқ, бу аянчли мағлубият қизларимизнинг руҳини тушириб юбормади, аксинча, уларнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилди. Зеро, бизнинг қизларимиз илк марта катта футбол майдонига чиққан, «Динамо» эса Марказий Осиё биринчи чемпионатининг чемпиони эди-да. Қолаверса, шарқ аёлларининг табиати камситилиш, хўрланиш каби хислатларга мурасасиз бўлишди. Хусусан, бизнинг жамоа қизларида ҳам дарҳол мағлубият аламини олишга иштиёқ пайдо бўлди. Улар машғулотга янада зўр беришди. Иштиёқ шу қадар баланди эдики, орадан кўп ўтмай, биз Чимкент сари йўл олдик. Бу сафар учрашувда бироз тенг кураш борди, бироқ яна таҳриба устун келиб, «Динамо» 3:0 ҳисобида галаба қозонди.

Ўтган йили биз ҳақиқий фаолиятни бошладик. Биринчи марта Марказий Осиё чемпио-

нати майдонига чикдик. У туронзаминнинг бошқа жамоалари учун иккинчи чемпионат эди. Бизнинг «Баҳо» жамоамиз сафига асли наманганлик бўлган, қатор йиллар давомида Россия футбол жамоаларида тўп сўрган ўзбек қизи Карима Йўлдошеванинг келиб қўшили-

ярим ҳимоячи), Светлана Михейчева (энг яхши ҳужумчи), Галина Попова (энг яхши ҳимоячи) билан биргаликда Валерия Мусина, Элира Шоймардонова, Ирина Кузмина, Евгения Вдовина, Гулнораъ Аъзамова, Ирина Болтодано, Лариса Арпина, Лариса Галиева, Светлана Редина, Александра Уколова, Ирина Кушлито, Зулфия Назирова, Надия Мамаюсупова, Виктория Плешакова катнашяпти.

Жамоанинг бу йилги режалари қандай? Биринчи навбатда Марказий Осиё учинчи чемпионатида ўтган йилги муваффақиятни такрорлаш ниятимиз бор. Қолаверса, бу йил роса кўп турнирларда республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилишимиз керак. Хусусан, Японияда ўтказиладиган Осиё чемпионати майдонига илк марта чиқамиз. Ундан ташқари, апрель ойида Кисловодск ва Пятигорск шаҳарларида ўтказиладиган МДХ мамлакатлари кубогига таклиф этилганмиз. Шу кунларда пойтахтимизда ўтказилиши мўлжалланган «Наврўз» халқаро турнирига тайёргарлик қўряпмиз. Турнирга Европа футболни ҳавосини олган Россиянинг «Ладя» ва «Сибирячка» жамоалари ҳам келиши кутилмоқдаки, жамоамиз илк бор Европа футболни кўригидан ўтади. Шунингдек, бу йил Ўзбекистон чемпионати ва Кубоги ҳамда Фарғона ва Индонезияда ўтказиладиган халқаро турнирларда ҳам катнашишимиз керак. Хуллас, ишимиз кўп, ойдин орзуларимиз ҳам шунга яраша катта. Республикаимизда айни кунда бир неча аёллар жамоалари шакллана бошлади. Агар уларни ўйинчилар билан таъминлаш масаласига ҳам жиддий киришилса, фойдадан ҳоли бўлмасди. Чунки айни дамда бутун жаҳон спортсераварлари аёллар футболга катта қизиқиш билан қараяпти. Жаҳон буйлаб энди тетапоя бўлаётган нафосатли футбол мусобақалари майдонидан бизнинг вакилларимиз ҳам ўзининг муносиб ўрнини топади, деб ўйлайман.

«Халқ сўзи» мухбири
Р. ЭРМУҲАММАД
суҳбатлашди.

Аввалига катнашчилар сони бўйича Олимпиада ўйинларида эркакларни қувиб ўтган аёллар бугун футбол майдонларига чиқишмоқда. Кейинги йилларда аёллар ўртасида футбол буйича жаҳон чемпионатлари ўтказила бошландики, у миллионлаб футбол мухлисларининг эътиборини тортмоқда. Сўнгги икки йилда мамлакатимизда ҳам аёллар футбол ҳақиқий маънода фаолият кўрсата бошлади. Ўтган йили «Баҳо» аёллар жамоамиз нафақат мамлакат чемпионлигини, балки Марказий Осиё чемпионлигини ҳам қўлга киритиши юртимиз спорт мухлисларининг ҳайратига сабаб бўлди. Муштарийларимиз қизиқишини инобатга олиб, мухбиримиз ана шу «Баҳо» жамоасининг ва мамлакатимиз тарма жамоасининг бош мураббийси Равшан УСМОНХЎЖАЕВ билан юртимизда аёллар футболни қай тарзда вужудга келганлиги ва у киши раҳбарлик қилаётган жамоанинг келгуси режалари хусусида суҳбатлашди.

Равшан ака, юртимиз спорт мухлисларининг кўпчилиги бизда аёллар футбол жамоаси борлигидан ҳали хабарсиз бир пайтда сиз етакчилик қилаётган «Баҳо» жамоаси Марказий Осиё чемпиони бўлди. Ваҳоланки, Марказий Осиёда, хусусан Қозғистонда аёллар футболни биздан олдинроқ шаклланган эди. Бундай муваффақиятга қандай эришилди? Умуман, республикамизда аёллар футбол жамоасини ташкил этиш гоёси қачон, қандай пайдо бўлди?

